

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

А.Бердиалиев, М.Зокиров	
Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик тиллари контактига алоқаси	88
Ш.Турдиматова	
Функционимлар ва уларнинг тил луғат таркибининг макроқурилмалар тизимига мансуб ҳодисалар билан ўзаро муносабати ҳақида	92
М.Эргашев	
Инглиз ва ўзбек тилларида “феълли боғланиш” лисоний категория сифатида	98
Х.Исмоилов	
Суд нутқининг социолингвистик таҳлилига доир	101

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Г.Тиллабаева	
Биринчи тартибли чизиқли оддий дифференциал тенгламалар учун кўп нуқтали чегаравий масала	105
М.Аҳмедов, Х.Далиев, М.Онаркулов	
(ВIXSB1-X) 2TE3 поликристалл тензосезгир пленкаларнинг электронографик таҳлили	109
М.Ҳакимов, М.Маматкулов	
Табиий шарбат олиш учун мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган ШҚМ-18 қурилманинг амалдаги намунасини ишлаб чиқиш	112
М.Холиков	
Паразитизмнинг пайдо бўлиши ва оқибатлари	114
Ф.Адилов	
Ўзбекистон ва Озарбайжон халқлари ўртасидаги маданий ҳамкорлик алоқалари (кино ва театр соҳаси мисолида)	116
Т.Тургунбаев	
Кимёвий қуролларнинг яратилиш тарихи, жанговар қўлланилиш тавсифи ва уларнинг инсон организмга таъсири	119
Э.Тажимирзаев	
Фарғона водийси қишлоқларидаги маданий муассасалар фаолияти тарихидан (кино санъати мисолида)	123
Р.Аҳмедова	
Фарғона физиотерапия институтининг ташкил топиш ва фаолияти тарихидан (1923-1950 йиллар) ...	126
В.Ишқуватов	
Ўзбекистонда маҳалланинг моҳияти ва ўзига хослиги	129
К.Пуллатов	
XX аср 50-йиллар охири 60-йиллар бошида Ўзбекистонда ижтимоий ва сиёсий ҳаёт (Фарғона водийси мисолида)	132
С.Мўминов, Ш.Мўминов	
Мутолаа маданиятининг лингвокультурологик тамойиллари	135
Б.Жўраева	
«Қорамол» ЛМГи асосида шаклланган ўзбек халқ мақолларининг услубий хусусиятлари	137
М.Назирқулова	
9-синфда Фурқатнинг “Фасли навбаҳор ўлди” ғазали матни устида ишлаш	140
М.Саидқабарова	
Қиссадан ҳиссанинг ғоявий-фалсафий функциялари	144
М.Деҳқонова	
Наим Каримов ижодининг ойбекшунослик тараққиётидаги ўрни	147
Ф.Анварова	
Бошланғич синфларда инглиз тилини тинглаб тушуниш орқали ўқитиш бўйича айрим тавсиялар	151
И.Қирғизов, Ғ.Нажметдинов, А.Исмоилов	
Муסיқий таълимда аждодлар меросидан фойдаланиш амалиёти	154
Ф.Эркабаева	
Замонавий маҳобатли рангтасвир санъатида мусаввир ижодининг нафис чизгилари	156
А.Хасанов	
Ҳарбий таълим факультети талабаларининг ўқув йиғинлари даврида жисмоний машқлар билан шуғулланиш шакллари ҳамда воситаларини аниқлаш	159

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Аҳмаджон Қўшақович Ўринов	163
--	-----

БИБЛИОГРАФИЯ

Библиография	166
--------------------	-----

УДК: 008+.009.01+791.43/.45+792

ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН ХАЛҚЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК
АЛОҚАЛАРИ (КИНО ВА ТЕАТР СОҲАСИ МИСОЛИДА)КУЛЬТУРНЫЕ СВЯЗИ НАРОДОВ УЗБЕКИСТАНА И АЗЕРБАЙДЖАНА (НА ПРИМЕРЕ
СФЕР КИНО И ТЕАТРА)CULTURAL RELATIONS OF THE PEOPLES OF UZBEKISTAN AND AZERBAIJAN (ON
THE EXAMPLE OF THE FIELDS OF CINEMA AND THEATER)

Ф.Адиллов

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон ва Озарбайжон халқининг маданий ҳамкорлиги, айнан кино ва театр соҳасидаги алоқаларининг ўзига хос тарихига доир масалалар ёритилган.

Аннотация

В статье освещены вопросы истории культурных связей народов Узбекистана и Азербайджана, а именно, сотрудничество в сфере кино и театра.

Annotation

The article highlights the issues of the history of cultural relations of the peoples of Uzbekistan and Azerbaijan during the years, especially, cooperation in the field of cinema and theater.

Таянч сўз ва иборалар: Озарбайжон, кино, театр, ҳамкорлик алоқалари, драма, фильм, фестивал.

Ключевые слова и выражения: Азербайджан, кино, театр, сотрудничество, драма, фильм, фестиваль.

Keywords and expressions: Azerbaijan, cinema, theater, cooperation, drama, film, festival.

Ўзбекистон ва Озарбайжон халқининг ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари узоқ ўтмишга эга. Асрлар мобайнида икки халқнинг тили, дини, адабиёти бир-бирига яқин бўлгани сабабли ўзаро маданий алоқалар ривож топган келган.

Совет ҳокимияти йилларида ҳам Ўзбекистон ва Озарбайжон халқининг маданий ҳамкорлиги, айнан кино ва театр соҳасидаги тажриба алмашинуви муносабатлари ўзига хос тарихга эгадир.

XX аср бошларида Ўзбекистонга Озарбайжон санъати, адабиёти билан бирга кино ва театр санъати ҳам кириб кела бошлади. Жумладан, 1911 йилдан бошлаб ўлкада Озарбайжон театр усталаридан М.Ф.Охундовнинг «Ҳожи қора», И.Везировнинг «Ёмғирдан қочиб селга» ва «Мусибати Фахриддин» ҳамда Ҳақбердиевнинг «Оға Муҳаммад шоҳ Кажар» каби қатор пьесалари намойиш этилди. Театр санъатининг ажойиб намоёндалари бўлган Озарбайжон актёрларидан Сидқи Рухилло, Юнус Наримонов, Ахмадбек Камарлинскийларнинг ижросида намойиш этилган саҳна кўринишлари маҳаллий аҳолида театр санъатига

муҳаббатининг ортишига хизмат қилди.

Шунингдек, 1916 йилга келиб «Ҳожи қора», «Лайли ва Мажнун», «Аршин мололон» каби спектаклар ўзбек тилига ўгирилиб саҳналарда қўйила бошланди.

Озарбайжон театр санъатини кириб келиши ўлкада Бехбудий, Ҳамза, Авлоний, Уйғур каби драматургларнинг ижодига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Жумладан, Ҳамза драма труппаларини тузиш ва такомиллаштиришда рус, озарбайжон, татар каби халқларнинг театр андозаларига таянди. Айниқса, у Озарбайжонда бўлган вақтида (1914 йил) Сидқи Рухилло билан учрашиб, қардош халқ маданияти намуналарини ўрганди ва мутолаа қилди. Айниқса, «Мулло Насриддин» ҳажвий журналида босилган материалларни катта қизиқиш билан ўқиди. Ҳатто, «Мулло Насриддин» ҳажвий журнали кейинчалик Ўзбекистонда «Муштум» сатирик журналини вужудга келишида ҳам роль ўйнади.

Театр соҳасидаги ҳамкорлик янада самарали кечганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим. Озарбайжонда ташкил топган театр труппалари вакиллари Ўзбекистонга мунтазам ижодий сафарлар уюштириб

Ф.Адиллов – Тошкент молия институти ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси.

турди. Хусусан, Сидқи Рухиллонинг театр труппаси Ўзбекистонда бўлган вақтида Маннон Уйғур, Муҳиддинқори Ёқубов, Етим Бобожонов кабилар билан ижодий ҳамкорлик қилди.

Ўзбекистонлик адибларнинг асарлари Озарбайжон театр сахналарида ҳам намойиш этилди. Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» асари М.Азизбеков номли академик театрда, Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» асари Боку радиоси орқали ўқиб эшиттирилди. Шунингдек, Кировобод шаҳрида Ж.Жабборли номли драма театр жамоаси Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Биринчи бўса» драмасыни намойиш этди.[1]

1920-йилларда бир гуруҳ ўзбек санъаткорлари Бокудаги театр техникумида таҳсил олдилар. Улар орасида Халима Носирова, Ўзбекистон ССР Халқ артисти Назира Алиевалар бор эди[2].

Совет ҳокимияти йилларда киноматография соҳасида амалга оширилган ишларни маданий алоқаларнинг янги шакли деб ҳисоблаш мумкин. 1945 йилда илк маротаба экран юзини кўрган «Аршин мол олон» кинофильми (сценарий муаллифи С.Раҳманова, режиссёр Р.Тахмасиб, Н.Лещенко, бош ролда Рашид Бейбутов) Ўзбекистонда ҳозирги кунга қадар сеvimли фильмлардан ҳисобланади.[3] Ушбу фильмнинг муваффақияти режиссёр ва актёрлар ансамблининг ажойиб профессионал ижроси эди. Фильмнинг ўзбек тилига таржима қилинган нусхаси ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон телеканалларида ретро-фильмлар қаторида намойиш этилиши ҳам тасодифан эмасдир.

1955 йил Боку киностудияси Озарбайжон ва Ўзбекистон пахтакорларининг анъанавий дўстиги ва озарбайжонлик йигитнинг ўзбек қизига бўлган муҳаббати акс этган «Учрашув» (сценарий муаллифи Э.Кулибеков, Н.Позина, режиссёр Т.Тағизаде) кинокомедиясини суратга олди. Лола ролини ўзбек актрисаси Н.Атауллаева ижро этди. Фильмнинг ҳаётийлиги, ҳажвий сахналари, актёрларнинг яхши ижроси совет тузумининг ютуқларини ташвиқот қилувчи фильм андозасидан четга ўтишга имкон берди.

1957 йил 1-10 август кунлари Ўзбекистонда томошабинлар томонидан илиқлик билан кутиб олинган Озарбайжон фильмлари кинофестивали бўлиб ўтди.[4] Озарбайжон фильмларида ёритилган

муаммолар ўзбек томошабини учун яқин ва тушунарли эди. Кўнгилга яқин мусиқа ҳамда мазмун-моҳият

Ўзбекистон томошабинларини Озарбайжон киносига яқинлаштирар эди. Ўз навбатида 1960-йилларда Озарбайжонда Ўзбек киноси фестиваллари ўтказилган.

1973 йилда «Озарбайжонфильм» киностудияси буюк Озарбайжон шоири Имадеддин Насимининг ҳаёти ва ижоди тўғрисида «Насими» картинасини суратга олди. Фильмни суратга олиш ишлари Озарбайжондан ташқари Самарқанд ва Хивада бўлиб ўтди.[5] Кинотасвирда Амир Темур фақатгина саркарда сифатида эмас, балки олийжаноб етакчи ва тараққиётга интилувчи ҳукмдор сифатида кўрсатилган. Ушбу ёндашув таҳсинга сазавор эди. Чунки, совет ҳукумати тазйиқига қарамай тарихий ҳақиқат холисона очиб берилган. Амир Темур ролини машҳур Озарбайжон актёри Юсиф Велиев, унинг ўғли Мироншоҳ ролини эса, актёр Мухтор Маниев ижро этган. Ушбу кинофильм 1974 йил Бокуда VII Бутуниттифоқ кинофестивалда «Энг яхши тарихий бадий фильм» сифатида махсус мукофотга сазавор бўлди. Шунингдек, 1983 йилда Г. Джавиднинг «Оқсоқ Темур» драмасы сахналаштирилди. Яна бир бор Озарбайжон томошабини буюк саркарданингдаққоний тарихий сиймосини экранда кўрди. Амир Темур сиймосини истеъдодли Озарбайжон актёри Гамлет Ханызода яратди. У сахнада Амир Темурнинг шахсий фазилатларини тўлиқ очиб бера олди.

Бокуда 1974 йил 12-19 апрел кунлари Бутуниттифоқ кинофестивали бўлиб ўтди. «Учрашувлар ва айрилиқлар» фильмининг операторлик иши учун мукофот Г.Карюк ва Ш.Махмудовга топширилди. Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси томонидан яратилган «Қизгин вақт» фильмига ҳам мукофот берилди.

Ўзбекфильм киностудиясида 1975 йил Мақсуд Ибрагимбеков сценарийси асосида «Сен менинг кўшиғимсан» фильми суратга олинди. Асосий роллардан бирини машҳур ўзбек актрисаси Аида Юнусова ижро этди.

«Озарбайжонфильм» киностудияси 1982 йил Озарбайжон ва Ўзбекистон шаҳарларида (Самарқанд, Бухоро, Хива) озарбайжоннинг буюк шоири Низоми Ганджавий тўғрисида «Низомий» бадий

фильмни (сценарий муаллифи И.Гусейнов, Э.Гулиев, режиссёр Э.Гулиев, асосий ролда Муслим Магомаев) суратга олди. Ушбу фильм ҳам ўзбек томошабинлари орасида катта муваффақиятга эришди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, совет ҳокимияти йилларидаги мавжуд тўсиқларга қарамай Ўзбекистон ва Озарбайжон халқлари ўртасидаги маданий

ҳамкорлик ривожланди. Ўзбекистон ва Озарбайжон маданият ходимлари совет мафкураси исканжасидан ўзига хос маҳорат билан ташқарига чиқа олди ҳамда ҳамкорлик алоқалари янги босқичга кўтарилди. Икки халқнинг самимий дўстлиги, маданий ва маънавий яқинлигини барча соҳаларда ҳамкорлик учун замин ярата олди.

Адабиётлар:

1. Саҳнадошларимиз // Совет Ўзбекистони.-1980 йил, 3 июнь.
2. Театр ва замон // Ўзбекистон маданияти. -1979 йил, 14 июнь.
3. Azsrbaycan filmlsrinin yaranma tarixindsn.l kitab. B.:“E.L.”,2006.
4. Летопись полувека. Хроника культурной жизни Узбекистана (1924-1974 гг.). Автор-составитель В.Тюриков. –Т.: Издательство Литературы и искусства, 1975.;Алимова Д. Национально- прогрессивное движение джадидизм и его общественно-политическая сущность. Взгляды джадидов на государственность. Очерки по истории государственности Узбекистана. – Т.: Шарқ, 2001.
5. Azsrbaycan filmlsrinin yaranma tarixindsn.l kitab. B.:“E.L.”,2006.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)